

ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА

Раис:

Расулов М.Х. – институт ректори, т.ф.н.

Раис муовинлари:

Адилходжаев А.И. – илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, т.ф.д.;
Гуламов А.А. – ўқув ишлар бўйича проректор, и.ф.н.

Ташкилий қўмита аъзолари:

Баратов Д.Х. – т.ф.н., институт проректори;
Амиров С.Ф. – т.ф.д., кафедра мудири;
Файзибаев Ш.С. – т.ф.д., кафедра мудири;
Халиков А.А. – т.ф.д., кафедра мудири;
Арипов Н.М. – т.ф.д., профессор;
Шипачева Е.В. – т.ф.д., профессор;
Ризаев А.Н. – т.ф.д., профессор;
Кабулов Ж.Р. – т.ф.н., кафедра мудири;
Расулмухамедов М.М. – ф.-м.ф.н., кафедра мудири;
Шурмухамедов У.З. – т.ф.н., кафедра мудири;
Бердиев У.Т. – т.ф.н., кафедра мудири;
Худайберганов С.К. – т.ф.н., кафедра мудири;
Шаумаров С.С. – т.ф.н., магистратура бўлими бошлиғи;
Суюнбаев Ш.М. – т.ф.н., иқтидорли талабалар билан ишлаш бўйича институт координатори.

АНЖУМАННИНГ МАҚСАДИ - бакалаврият, магистратура талабалари, стажер-тадқиқотчилар ва докторантура изланувчилари илмий-тадқиқот ишларининг долзарблиги, мақсади, илмий жиҳатдан янгилиги ва амалий аҳамиятини кўриб чиқиш.

АНЖУМАННИНГ ВАЗИФАЛАРИ:

- бакалаврият, магистратура талабалари, стажер-тадқиқотчилар ва докторантура изланувчиларининг илмий-тадқиқот ишлари якунларини кўриб чиқиш (ўрганиш);
- битирув малакавий ишлари ва диссертациянинг бирламчи натижаларини нашрдан чиқариш;
- талабаларнинг энг яхши илмий ишларини республика танловларига юбориш учун танлаб олиш.

АНЖУМАН ШЎЪБАЛАРИ

1. Транспортда бизнес ва бошқарув
2. Транспортда инженерия и инженерлик иши
 - 2.1. Поездлар ҳаракатини ташкил этиш
 - 2.2. Транспорт логистикаси ва тижорий ишлар
 - 2.3. Автоматика, телемеханика, электр алоқа ва радио
 - 2.4. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги
 - 2.5. Локомотивлар
 - 2.6. Вагонлардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш
 - 2.7. Электрлаштириш ва энергетика
 - 2.8. Информатика ва ахборот технологиялари
3. Транспорт тузилмаси объектларини қуриш ва улардан фойдаланиш
 - 3.1. Бино, муҳандислик коммуникацияси ва тизимлари
 - 3.2. Йўллар, кўприклар ва тоннеллар
4. Амалий математика
5. Экспериментал физика
6. Транспортни ривожлантириш ва модернизациялашда ижтимоий ва гуманитар фанларнинг ўрни
 - 6.1. Фалсафа ва сиёсатшунослик
 - 6.2. Иқтисодиёт назарияси, ҳуқуқ ва тарих
7. Транспорт атамаларини таржима қилиш муаммолари
8. Транспорт таълим муассасалари ўқувчилари ва ишчиларининг соғлом турмуш тарзи муаммолари

НАЗОРАТ МУДДАТЛАРИ:

- 2019 йил 26 мартгача – ташкилий қўмитага илмий мақолалар ва талабномаларни тақдим этиш;
- 2019 йил 30 мартгача – анжуман катнашчиларига таклифномалар жўнатиш;
- 2019 йил 2 апрелда – анжуман биринчи пленар йиғилиши (10³⁰ да, 334 ауд.);
- 2019 йил 2, 3 апрелда – анжуман шўъбалари (шўъба бўлимлари) йиғилиши (14³⁰ дан);
- 2019 йил 3 апрелда – анжуман иккинчи пленар йиғилиши (16⁰⁰ да, 334 ауд.);
- 2019 йил 2, 3 апрелда – анжуман шўъбалари (шўъба бўлимлари) раҳбарлари ҳисоботи, уларнинг қарори ва ғолибларни (1-ўрин), совриндорларни (2 ва 3-ўринлар) рағбатлантириш, ғолиб бўлган талабаларни республика илмий ишлар танловига жўнатиш ҳақидаги таклифларни тақдим этиш;
- 2019 йил 4 майгача – анжуман материалларини чоп этиш.

ҚАТНАШИШ УЧУН ТАЛАБНОМА ТАҚДИМ ЭТИШ

Ҳар бир иштирокчи битта (якка ёки ҳаммуалифликда) мақола тақдим этиши мумкин. Анжуман ташкилий қўмитаси томонидан қабул қилинган мақолаларни www.tashiit.uz сайтидан кўриш мумкин.

Илмий мақолалар ва талабномаларни (иловага қаранг) куйидаги манзилга юборилсин: 100167, Тошкент шаҳри, Одилхўжаев кўчаси, 1-уй, Тошкент темир йўл муҳандислари институти, илмий бўлим (333-хона), координатор - Ш.М. Суюнбаев, т.ф.н., доц. в.б. Мақолалар ҳар сешанба ва жума кунлари (14³⁰ дан 16⁰⁰ гача) қабул қилинади. Телефон: +99871 299-05-65, +99871 299-06-84. Факс: +99871 293-57-54. e-mail: uer_tashiit@mail.ru

ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР РАСМИЙЛАШТИРИШ ҚОИДАЛАРИ

Мақолада илмий нашрларда белгиланган шаклдаги асл назарий ва тажриба тадқиқотлари натижалари келтирилиши лозим. Мақолалар ўзбек, инглиз, рус тилларида ташкилий қўмитага топширилади ва чоп этилади. Мақола бир нусхадан қоғоз ва электрон шаклларда қабул қилинади (Microsoft Word 2007 форматида). Электрон шаклдаги ҳар бир мақола алоҳида файлда бўлиши лозим. Файл номида биринчи муаллиф фамилияси ва шўъба (нимшўъба) рақами кўрсатилади (масалан, Иванов 2.1). Мақолалар оқ қоғознинг бир томонида 1 бетдан 2 бетгача бўлган ҳажмда, оддий зичликдаги сатрлар билан Microsoft Word редакторида терилади, қоғоз формати А4 (210x297 мм), соҳалар ҳар томондан 25 мм; шрифт Times New Roman, текст баландлиги 10 кегль; сатрлараро интервал – бирлик, абзац (отступ) – 0,6 см. Формулалар муаллиф томонидан формула редактори ёрдамида териштириш шарт. Расмлар сканерлаш ёрдамисиз бажарилган бўлиши керак. Расм рақами ва номи расмнинг остида, жадвал рақами ва номи жадвалнинг устида ва марказдан ёзилади. Жадвал, схема, расм, формула ва графиклар қоғоз форматидан ташқарига чиқиши мумкин эмас (жадвал ва расмлардаги матн катталиги ҳам 10 кегль). Адабиётларга ҳаволалар бўлиши шарт ва улар квадрат шаклдаги қавсда кўрсатилади (масалан, [1]). Фойдаланилган адабиётлар рўйхати ГОСТ 7.32-2001 талаблари (www.tashiit.uz сайтидан олиш мумкин) асосида расмийлаштирилади ва пухталиқ билан текширилади. Мақола номи қаторли ярим қалин харфлар билан марказда терилади. Ундан кейин битта қатор қолдирилади. Ундан кейин қаторли ингичка харфлар билан (курсив) ўқиш босқичи, муаллиф исми-шарифи ва фамилияси, академик гуруҳи номи ва қавс ичида ОТМнинг қисқартма номи ёзилади, кейинги қаторда илмий раҳбарнинг мавқеи, исми-шарифи, фамилияси, илмий даражаси билан лавозими ва қавс ичида ОТМнинг қисқартма номи ёзилади ёзилади. Муаллифлар сони икки ва ундан кўп бўлганда ҳар бир муаллиф тўғрисидаги маълумотлар алоҳида қаторда кўрсатилади. Сўзларни бўлиб бошқа қаторга кўчириш мумкин эмас. Мақола матндан олдин яна бир қатор қолдирилади.

Мақола матни қатор кенглиги бўйича текисланади (выравнивание по ширине).

Масалан:

Табий газдан тепловозлар учун ёқилги сифатида фойдаланишнинг афзаллик ва камчиликлари

Магистратура талабаси: Ю.А. Атабеков, МВИ-1 гуруҳи (ТТЙМИ)

Илмий раҳбар: Т.И. Фазылов, т.ф.д., профессор (ТТЙМИ)

В условиях реформирования железнодорожного транспорта решение задач обеспечения ...

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Носырев Д.Я., Росляков А.Д. Перспективы и проблемы применения альтернативных видов топлива в локомотивных энергетических установках: монография. Самара: СамГУПС, 2009. – 118 с.

Мақолалар мазмуни ёки уларнинг расмийлаштирилиши, уларни ташкилий қўмитага тақдим этиш муддатлари талабларга жавоб бермаса, тақдим этилган электрон материаллар вируслар ва макровирусларга эга бўлса анжуман ташкилий қўмитаси ушбу материалларни кўриб чиқишга қабул қилмаслик ҳуқуқига эга. Анжуманга юборилган материаллар қайтариб берилмайди. Анжуман шўбаларида эшитилган ва ташкилий қўмита томонидан тавсия этилган мақолалар муаллиф тақдим этган ҳолати бўйича нашр этилади. Анжуман жараёнида талабанинг энг яхши илмий иши бўйича танлов ўтказилади.

Мухаррир: Ш.М. Суюнбаев, иқтидорли талабалар билаш ишлаш бўйича институт координатори
Верстка: Б.А. Саъдуллаев, ТФ-307 гуруҳ талабаси

Нашрга имзоланган: 25.02.2019 й. Ҳажм 0,125 б.т. Буюртма № __
Қоғоз формати 60x84 1/16 Адади - 30.

ТТЙМИ Илмий тадқиқот ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш бўлими, Тошкент ш., Одилхўжаев кўч., 1 уй.

Илова

ТТЙМИ базасида бакалаврият, магистратура талабалари, стажер-тадқиқотчилар ва докторантура изланувчиларининг “Ёш илмий-тадқиқотчи” мавзусидаги XVII-институтлараро илмий-амалий анжуманида

ИШТИРОК ЭТИШ БЎЙИЧА ТАЛАБНОМА

(қўлда тўлдирилади)

Сиздан куйидаги докладни анжуман дастурига қўшишингизни сўрайман(из):

Мақола номи	
Шўъба (нимшўъба) тартиб рақами ва номи	
Муаллифнинг ФИШ (тўлик), академик гуруҳи	
Ўқиш жойи	
Муаллифнинг боғланиш телефони (шаҳар кодини кўрсатган ҳолда)	
Муаллифнинг e-mail	
Илмий раҳбарнинг ФИШ, илмий даража ва унвони (тўлик)	
Илмий раҳбарнинг иш жойи	
Илмий раҳбарнинг иш ва мобил телефон рақами (шаҳар кодини кўрсатган ҳолда)	
Илмий раҳбарнинг e-mail	
Илмий раҳбарнинг тавсияномаси	<i>Ушбу мақолада очиқ наشريётда чоп этиш таъқиқланган маълумотлар мавжуд эмас, муқаддам чоп этилмаган ҳамда бошқа шахс ва ташкилотларнинг муаллифлик ҳуқуқини бузмайди.</i>

Муаллифнинг имзоси _____

Илмий раҳбарнинг имзоси _____

Сана _____

«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» АЖ

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ

ЁШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТЧИ бакалаврият, магистратура талабалари, стажер-тадқиқотчилар ва докторантура изланувчиларининг XVII-институтлараро илмий-амалий анжумани



АХБОРОТ ХАТИ

2-3 апрель 2019 й.

Тошкент, Ўзбекистон